

5-боб. ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ

ШАРТНОМА хизмат кўрсатиш учун

2022 йил «___»_апрель

Тошкент шаҳри

Республика болалар ортопедия маркази номидан Устав асосида фаолият олиб боровчи ва бундан буён шартнома матнида Буюртмачи деб юритилувчи марказ директори _____ бир томондан ва

_____ номидан _____ асосида фаолият олиб боровчи ва бундан буён шартнома матнида Ижрочи деб юритилувчи ташкилот раҳбари _____ иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ижрочи томонидан мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, Буюртмачи эса ушбу ишларни шартномада белгиланган тартибда қабул қилиш ва бажарилган ишлар учун тўловларни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

1.2. Ижрочи томонидан бажариладиган ишлар ҳажми ва нархи қуйидагилардан иборат:

№	Хизмат турининг номланиши	Ўлчов бирлиги, и, хизмат		Битта хизмат учун белгиланган нарх, сўм	Умумий сумма, сўм
1	Аутсорсер (иссик овкат тайёрлаш хизмати)				
Жами сумма:					

2. ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2021 йил 16 мартдаги № 139 сонли Қарорига асосан кўрсатилган хизмат бўйича тўловлар қуйидагича амалга оширилади :

Ижрочи билан шартнома имзолангандан сўнг шартномада белгиланган сумманинг 30% миқдори хар ойнинг 10- санасига ;

сумманинг қолган 70% қисми эса Буюртмачи ва Ижрочи томонидан хизмат бўйича бажарилган ишлар учун тузилган счет-фактуралар ва бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида.

3. БУЮРТМАЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Ижрочи учун у томонидан кўрсатилаётган хизмат бўйича зарур шароитлар яратиб бериш.

3.2. . товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

3.3. аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш.

3.4. Буюртмачи қонун ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4. ИЖРОЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Ушбу шартноманинг биринчи бўлимида кўрсатилган ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш.

4.2. ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши;

4.3. аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

4.4. товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

4.5. махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

5.1. Шартнома шартларини ёмон бажаришда ёки бажармасликда айбдор бўлган томон Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 сентябрдаги «О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов» қонунида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

5.2. Томонларнинг юридик ёки ҳақиқий манзиллари, ҳисоб рақамининг номланиши, рақами ёки бошқа реквизитлар ўзгарганда, хизмат бўйича ишларни бажаришга оид бошқа ўзгаришлар бўлган тақдирда томонлар бу ҳақда бир-бирларига 10 кунлик муддатда хабар беришлари зарур.

5.6. Жарималар тўлаш томонларни ушбу шартнома шартларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Форс-мажор ҳолатлари юз берганда томонлар ушбу шартнома шартларини бажаришдан озод қилинадилар.

6. БАҲСЛИ ҲОЛАТЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Шартнома шартларини бажариш мобайнида томонлар ўртасида пайдо бўлган баҳсли ҳолатлар томонларнинг ишончли вакиллари томонидан ўтказиладиган музокаралар йўли билан, агар бу йўл билан ҳал қилишнинг иложи бўлмаса суд тартибида ҳал қилинади.

7. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартнома томонлар томонидан имзоланиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2021 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Ушбу шартномага киритилган барча қўшимча ва ўзгартиришлар, агар улар ёзма равишда киритилган, томонлар томонидан имзоланган ва томонларнинг муҳри билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқийдир.

7.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита нусхада тузилган.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

«ИЖРОЧИ»